

АВТОМОБИЛСОЗЛИКДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ ТАЛАБЛАРИ

Абдувоқид МАМАЖОНОВ кимё фанлари номзоди (Ўз Донг Вон Ко. ҚҚси)
Бобомурод ТУРҒУНОВ, Дониёр РАСУЛОВ - Андижон машинасозлик
институты магистрантлари

Ҳозирги кунда маҳсулот ишлаб чиқариш, уни етказиб беришнинг глобал таълимида самарадорликка эришиш, сарф-харажатларни камайтириш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун аввало ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, муҳандис-техник ходимлар малакасини ошириш, ишлаб чиқаришни бошқариш тизимига O'zDSt ISO 9001:2015 ва O'zDSt ISO/TS 16949:2011 сифат менежменти тизимининг халқаро стандартлари, истеъмолчи «GM O'zbekiston» талабларини жорий этиш ва сертификатлаштириш ҳозирги кун автомобилсозлик соҳасида долзарб масалалардан биридир.

Барча йирик автомобил ишлаб чиқарувчи компаниялар бугунги кунда бутловчи қисмлар етказувчи корхоналардан ISO 9001 ва ISO/TS 16949 сифат менежменти тизими (СМТ) халқаро стандартлари талабларига мувофиқ бўлишини талаб қилмоқда. Шунингдек «GM O'zbekiston» (аввалги Ўз ДЭУ авто) ҳам бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналар олдига 2004 йилдан бошлаб ISO 9001:2008 Сифат менежменти тизими, 2010 йилдан ISO/TS 16949:2009 халқаро стандартлари, шунингдек QSB, QSB+ ва BIQS талабларига мувофиқ бўлиш талабини қўйган. Бугунга келиб ушбу талабларни Республикамиздаги мавжуд автомобилларга бутловчи қисмлар етказувчи корхоналар ISO 9001:2008 талабларига мувофиқлик сертификатга эга бўлдилар. ISO/TS 16949:2009 талабларини жорий этиш ва сертификатлаш талабини ҳозирда 20 дан ортиқ корхона бажарди.


ISO 9001:2015, ISO/TS 16949:2009 стандартлари, шунингдек QSB, QSB+ ва BIQS талабларини жорий этиш ва уларга мувофиқ бўлиш бир-бирини тўлдириб, автомобилсозлик саноатида бутун эътиборни нуқсонни топишдан кўра унинг олдини олиш ва етказиш занжиридаги харажатларни камайтиришга қаратилади. Корхоналар келажакда истеъмолчи (автомобил йиғувчи)лардан янги ва кўпроқ буюртмаларни олишни хоҳлашса, юқорида саналган стандартлар ва истеъмолчи талабларини жорий этиши ва сертификатлаштириши лозим бўлади. Ишни юқорида кўрсатилган халқаро стандартлар ҳамда истеъмолчининг GM-GMS 5 тамойили (принципи), QSB, QSB+ ва BIQS талаблари тушунчаларини ходимларга етказишдан бошлаш лозим.

Глобал етказувчининг сифат сиёсати (Миссия): етказувчилар ичида тизимли ёндашув билан етакчи бўлиб, сифат ва ўз вақтида етказишда устуворликка эришишдан иборатдир.




1-расм. GM-GMS нинг 5 тамойили (принципи)

GM-GMSнинг 5 тамойили (принципи): ходимларни жалб этиш; стандартлаштириш; мужассамланган сифат; қисқа вақтда етказиш; доимий такомиллаштириш каби 32 та элементдан ташкил топган.



2-расм. Етказувчиларни мужассамланган сифат даражасига ўтиш босқичлари



3-расм. Мужассамланган сифат жараёни талабларининг усиши

Талабларнинг мақсади камчиликларнинг олдини олиш чораларини қўллаш орқали нуқсонга йўл қўймаслик, юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар ва оқибатларни таҳлиллаш орқали уларни камайтириш, доимий такомиллаштириш асосида самарадорликка эришиш, маҳсулот

етказиш занжиридан ортиқча харажатларни, иккинчи томон текширувларини камайитиришдан иборатдир.



Мувофиқлик кўрсаткичлари	I-даража	II-даража	III-даража	IV-даража	V-даража
ISO/TS бўйича сертифицикат	Йўқ (ISO 9001 бор)	Бор	Бор	Бор	Бор
QSB/QSB+ бўйича сертифицикат	Йўқ	Йўқ	Бор	Бор	Бор
BIQSнинг 1-13 элементлари	Тақдир эмас	Тақдир эмас	≥62% (13 элементдан 8 таси - яшил, қўйилган)	100% (13 элементта мувофиқ яшил)	100% (13 элементта мувофиқ яшил)
BIQS барча 29 элементлари	Тақдир эмас	Тақдир эмас	Аудит ўтказилган	≥66% (29 элементдан 19 таси-яшил)	≥86% ((29 элементдан 25 таси-яшил)
PRR бўйича	>Жорий 12 + аявалги 6 ой	>Жорий 12 + аявалги 6 ой	Жорий 11-6 + аявалги 6 ой	Жорий 6 + аявалги 6 ой	1 PRR / 1 Минималта мақсудот кўрсатилган
Кафолатли муаммолар	>Жорий 12 + аявалги 6 ой	>Жорий 12 + аявалги 6 ой	Жорий 0 + аявалги 6 ой	Жорий 0 + аявалги 6 ой	Жорий 0 + аявалги 12 ой
И/ч аниқлаштирилган тўхтам	>Жорий 12 + аявалги 6 ой	>Жорий 12 + аявалги 6 ой	<Жорий 1 + аявалги 6 ой	Жорий 0 + аявалги 6 ой	Жорий 0 + аявалги 12 ой
S нинг-IPB даражаси	Жорий мақсад + аявалги 6 ой	Жорий мақсад + аявалги 6 ой	<Жорий мақсад + аявалги 6 ой	<Жорий мақсад + аявалги 6 ой	<Жорий мақсад + аявалги 12 ой

5-расм Етказувчиларни муҳассамланган сифат даражасига қўйилган талаблар

Етказувчиларда юқори даражага интилиши талаб этилади ва бутун эътиборни қуйидагиларга қаратишлари лозим:

1. Мажбурий ёзувлар ва расмий ҳужжатлар таркиби ўзгаради (ҳужжатлар таркиби ошади, лекин барча ҳужжатлар зарур ва уларнинг бўлжи ташкилот фаолиятини ях- пшлайди).

2. Сифат менежменти тизими жараёнларини таҳлиллашда фақат натижавийликни таъминлаш билангина эмас, балки унинг самарадорлигини таъминлаш (жараёнлар самарасини аниқлашга мезонлар ўрнаташ);

3. Раҳбарият томонидан сифат менежменти тизими фаолияти таҳлиliga «сифатсиз маҳсулотга кетган харажатларни» киритиш (нуксон ва уларнинг туб сабабларини бартараф этишга кетган харажатларни сифат харажатлари ҳисобига киритиш);

4. Маҳсулот сифатига таъсир этувчи, ходимларни янги иш бошлаганида ёки вазифаси ўзгарганда ўқитиш (технологик жараёнлар ўзгартирилганида иш бошлашдан олдин ходимларни ўқитиш);

5. Корхона ходимларининг ўз фаолияти муҳимлиги ва аҳамиятидан хабардорлик даражасини ўрнатшн, сифат бўйича кўйилган мақсадга эришишда ҳар бир ходим ҳиссасини баҳолаш ва рағбатлантириш жараёни бўлиши (ходимлар орасида сўровнома ва баҳолашлар асосида рағбатлантиришни ташкил этиш);

6. Материалларни етказиш, жойлаш, сакдаш, улардан фойдаланишда мониторинг ва баҳолаш методларини яратиш, жорий этиш, бирини ол бирини бер, приципидан фойдаланиш (баҳолаш мезонларини аниқлаш, масалан: жойлаштиришн учун фойдаланадиган маълумотлар, тайёрлаш цикли, омборни қабул килиш даражаси, ташиш жойининг узоқлиги ва бошқалар);

7. Корхона истеъмолчини қаноатлантиришда фавқулодда кутилмаган ҳолатлар, коммунал хизматдаги ўзгаришлар, ишчи кучининг етшмаслиги, асосий ускуналарнинг иш бермай қолиши ва маҳсулот қайтариб юборишда уларни бартараф этиш учун чора-тадбирлари бўлиши (маҳсулотни ўз вақтида етказишдаги муаммоларни аниқдаш, рўйхатта олиш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш);

8. Маҳсулот ва материалларга кўйилган истеъмолчи, давлат, техника хавфсизлиги, атроф-муҳит, саклаш, фойдаланиш, қайта ишлаш, йўк қилиш ва истеъмолдан чиқариш талабларини бажариш (экология кўйган талабларни ҳам ҳисобга олиш ва улар билан ишлаш);

9. Корхона маҳсулотни лойиҳалаш талабларини аниқлабгина қолмай, технологик жараёнларни лойиҳалаш талабларини ҳам аниқлаши (технологик жараёнларни лойиҳалашда ҳам кириш ва чиқиш маълумотларини текшириш (верификация) ва тасдиқлаш (валидация) талаблари ўрнатиш);

10. Ички аудитларни тизим, маҳсулот ва уни тайёрлаш жараёнларда, яъни ўз ичига бутун фаолият ва сменаларни ичига олган ҳолда (бутун тизимда даврий равишда аудитлар ўтказиш);

11. Ишлаб чиқариш жараёнларини баҳолаш ва уларни турғун тақрорланувчанлигини таъминлаш учун мониторинг (ўлчаш ва синаш)лар

олиб бориш (SPC - жараёнларни статистик бопщариш усуллари (назорат картаси)ни тадбиқ этиш билан номувофиқлик (нуқсон)ни олдини олишни жорий отиттг

12. MSA - ўлчаш ва синаш тизимида таҳдиллар олиб бориши (реал муҳитда ўлчаш ва синашлар ўтказиш, таҳлиллардан сўнг қарорлар чиқариш, назорат (ўлчаш) жойларига назорат картасини жорий этиш);

13. Корхона маҳсулотни лойиҳалаш ва технологик жараёнларни яратиш ва жорий этишда маҳсулот ва жараёнларда (FMEA) юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар турлари ва оқибатлари таҳлилини ўтказиши (нуқсонни топишдан кўра олдини олиш жуда муҳимлиги жорий этиш);

14. APQP - келажак маҳсулотларининг сифатини режалаштириш ва назорат дастурини ишлаб чиқиш (янги маҳсулот ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш ва мақсадларга эришишнинг назорат дастури бўлиши, бир жамоа бўлиб ишлашни ташкил этиш);

15. Корхона ўз етказувчилари билан муносабатларда, маҳсулот ва унинг тайёрлаш жараёнларини маъқуллашда истеъмолчи тасдиқлаган стандартлар талабларига риоя этиши (PPAP - қисмлар ишлаб чиқиш жараёнларни келишиш ёки истеъмолчи маъқуллаган бошқа стандартлар талабларини билиш);

16. Корхона - ўз етказувчиларининг сифат менежменти тизимини ривожлантириш. Уларга бошқа талаблар кўйилмаган бўлса, компонент етказувчи корхоналар ISO 9001:2015 халқаро стандарта талабларига мувофиқдиги сертификатланган бўлиши (бу ва бошқа талаблар корхонанинг бўлимларига қўшимча ишларни юклайди);

17. Маҳсулотни тақдим этиш ва ишлаб чиқариш учун бошқариш режасини ишлаб чиқиш, ўз ичига ишлаб чиқариш жараёнлари кўрсаткичларини, маҳсулот тавсифи, масъулар, тугаллаш муддата ва бошқаларни олиши (ушбу талаб ISO/TS 16949:2009 нинг А-илоvasида баён этилган);

18. Маҳсулот сифатига таъсир этувчи жараёнларнинг барча ходим ва раҳбарлари учун ишчи йўриқномалар хужжатлаштириш (маҳсулот сифатига алоқадор, ҳаттоки фаррошга ҳам тегишли ишчи йўриқнома бўлиши зарур);

19. Ускуна ҳамда воситаларнинг яроқсизланиб қолишини аввалдан олдини олиш учун техник хизмат кўрсатиш график-режасини ишлаб чиқиш ва уни ўз вақтида самарали бажаришда хизмат кўрсатувчи ва ишчини жалб этиш (таъмирлашдан кўра, олдини олган муҳим бунда жамоа бўлиб ишлашни ташкил этиш);

20. Корхона - асбобсозлик воситалари менежмента тизимини ишлаб чиқиши ва жорий этиши (асбобсозлик воситаларини лойиҳалаш, тайёрлаш, қабул қилиш, сақлаш, хизмат кўрсаташ, таъмирлаш ва бопщалар учун ресурсларни ажратиш ва талабларни аниқлаш);

21. Барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини верификация (айнанлигини текшириш) ва валидация (айнанлигини тасдиқлаш)лаш (фақат махсус жараёнларни эмас, балки барча жараёнларни текшириш ва тасдиқлаш);

22. Корхона - истеъмолчи талаб қилган (у учун тушунарли бўлган) тилда ва аниқдаган форматларда маълумотларни имкони борича бериш (компьютерлаш-тариш даражаси имкониятларига эга бўлиш);

23. Ички аудитлар тазим, маҳсулот ва уни тайёрлаш жараёнларини, яъни ўз ичига бутун фаолият ва сменаларни олиши (бунда аудитлар ва аудиторлар сони ортади);

24. Корхона - истеъмолчидан маҳсулотга қўйилган талабларидан четга чиққанида рухсат олиб қолмай, балки технологик жараёни ўзгаршпларида ҳам рухсат олиши, (талаблар истеъмолчи тасдиқлаган маҳсулот ва технологик жараён стандартлари, меъёрий хужжатлар ва детал чизмалари олинади);

25. Корхонада муаммолар ечишнинг тасдиқданган жараёни бўлиши, уларни ечишда истеъмолчи эътирозларини ҳисобга олиш, ажратши ва туб сабабларини бартараф этиш (талаб ҳажми қанчалик бўлмасин, номувофикдиклар тез тузатилиш ва туб сабабини бартараф этиш чораларини амалда бажариш);

26. Номувофиклик (нуқсон) ларни олдини олишда, номувофиклик (нуқсон) сабабларини бартараф этиш, корхонадаги худди шундай маҳсулот ва жараёнларга тузатувчи ва олдини олувчи чоралар қўллаш (олдини олиш чораларини бутун фаолиятга қўллаш орқали номувофикдиккага йўл қўймаслик).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zDSt ISO 9001:2015 “Сифат менежменти тизими: Талаблар”.
 2. O'zDSt ISO/TS 16949:2011 “Сифат менежменти тизими: Автомобилсозлик саноати ва ташкилотлари бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчиларига ISO 9001:2008ни қўллаш бўйича махсус талаблар”.
 3. O'zDSt ISO 9000:2015 “Сифат менежменти тизими: Асосий қоидалари ва лугат”.
 4. Мамажонов А.А., Матякубов И.Х., Бердимуратов П.Т. ва бошқалар. Амалий қўлланма. GMS- Глобал ишлаб чиқариш тизими (ишлаб чиқаришни бошқариш ва сифат менежменти тизими мутахассислари учун), 1 - таҳрир. Тошкент. Турин политехника университети, 2011 й. 50 бет.
 5. ISO/ TS 16949:2009 (R) (Учинчи нашр), Сифат менежменти тизими. «Автомобилсозлик саноатидаги бутловчи қисм ва материал етказувчи корхона-ташкилотлар учун ISO 9001:2008 бўйича махсус талаблар». Техник шарт.. 2009-06-15.-31 б.
- Мамажонов А.А., Матякубов И.Х., Бердимуратов П.Т.
“Автомобилсозлик сифат менежменти тизимининг мураккаблиги ва уни ечиш йўллари”. «STANDART» журнали. №1, 2012 й. 10-14 б.